

**ДИССЕРТАЦИЯЛАР
ИЛМИЙ НАТИЖАЛАРИНИНГ
АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ҚИЛИНИШНИ
БАҲОЛАШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ
КЎРСАТМАЛАР**





Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартдаги 214/9-сон қарори билан тасдиқланган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/9-сон қарори билан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 апрелдаги 2666 рақам ҳамда 2017 йил 23 июндаги 2666-1 рақам билан рўйхатдан ўтказилган

Диссертациялар илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини баҳолаш бўйича услубий кўрсатмалар

Мазкур Услубий кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 22 майдаги 304-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ диссертациялар илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини баҳолаш бўйича услубий кўрсатмаларни белгилайди.



1-боб. Умумий қоидалар

1 Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларининг 22-бандига мувофиқ илмий натижаларни амалиётга жорий этиш (фан докторлари (Doctor of Science, DSc) учун) ва амалиётга жорий этиш учун тақдим қила олиши (фалсафа докторлари (Doctor of Philosophy, PhD) учун) олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини белгилайдиган асосий талаблардан ҳисобланади.

2 Фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иш бажарилган муассасада дастлабки экспертизадан ўтказилгунга қадар унинг илмий натижалари амалиётга жорий этилган (жорий этиш учун тақдим қила олинган) (бундан буён матнда амалиётга жорий этиш деб юритилади) бўлиши лозим.

3 Талабгор бевосита ўзи ёки иш бажарилган ташкилотнинг кузатув хати асосида илмий натижаларни амалиётга жорий этиш учун тақдим қилишга ҳақли.

4 Иш бажарилган ташкилот илмий натижаларни амалиётга жорий этиш бўйича ишларни ташкиллаштиришда талабгорга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши зарур.

5 Барча турдаги ташкилотлар, шу жумладан давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар, жамоат бирлашмалари диссертациянинг илмий натижасини амалиётга жорий этиш объекти бўлиши мумкин.



2-боб. Назарий аҳамиятга молик диссертациянинг илмий натижаларини амалиётга жорий этишнинг хусусиятлари

6 Талабгор томонидан ишлаб чиқилган (асосланган) ёки такомиллаштирилган қуйидаги натижалардан бири назарий аҳамиятга молик диссертациянинг илмий натижаси бўлиши мумкин:

назария, ғоя;

қонуният (категория) ва унинг ўзига хос хусусиятлари;

методология;

методика ва усул (усуллар тизими);

илмий хулоса;

таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш кўрсаткичлари (индикаторлари);

фан тармоғининг (ихтисосликнинг) хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бошқа шакллар.

7 Назарий аҳамиятга молик диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилиши мумкин:

интеллектуал мулк объектига мутлақ ҳуқуқнинг эътироф этилиши – ихтирога ва селекция ютуғига патент ҳамда фал-

са­фа док­то­ри (PhD) ил­мий да­ра­жа­си учун фой­да­ли мо­дел­га па­тент, са­ноат на­му­на­си­га па­тент олин­ган ва у бугун­ги кун­да дол­зарб бўл­ган­да;

ил­мий на­ти­жа­нинг ну­фу­зли, шу жум­ла­дан хо­ри­жий ил­мий мар­каз (ре­спуб­ли­ка ил­мий се­ми­на­ри) ёки олий ўқув юрт­ла­ри то­мо­ни­дан эъ­ти­роф эти­ли­ши ёхўд фан тар­мо­ғи ри­во­ж­лан­ган хо­ри­жий мам­ла­кат­лар­нинг им­пакт-фак­то­ри 0,5 дан ю­қо­ри бўл­ган ва хал­қо­ро ти­зим­га кир­ган ил­мий жур­нал­лар­да ка­ми­да 3 та ҳа­во­ла бе­ри­ли­ши;

ил­мий на­ти­жа­дан та­лаб­гор­нинг ўзи қат­на­ш­ма­ган ва ту­гал­лан­ган грант­лар бўй­ича ил­мий лой­и­ҳа­да фой­да­ла­ни­ли­ши;

таъ­лим жа­раё­ни­га тат­биқ этил­ган дав­лат таъ­лим стан­дар­ти, дар­слик ёки пе­да­го­гик те­хно­ло­гия­нинг (фал­са­фа док­то­ри (PhD) ил­мий да­ра­жа­си учун – ўқув қўл­лан­ма­нинг) ма­в­жуд бў­ли­ши;

иш ба­жа­рил­ган та­ш­ки­лот ва ил­мий ма­ҳ­су­лот­нинг по­тен­ци­ал истеъ­мо­лчи­си бўл­ган ре­спуб­ли­ка дав­лат ор­га­ни ёки хў­жа­лик бо­ш­қару­ви ор­га­ни­нинг ил­мий-тех­ни­ка­вий кен­га­ши, бун­дай кен­гаш бўл­ма­ган ҳол­да те­ги­шли та­ш­ки­лий ту­зил­ма­си тав­сия­си асо­си­да уш­бу та­ш­ки­лот (ор­ган) то­мо­ни­дан эъ­ти­роф эти­ли­ши;

фан тар­мо­ғи­нинг (их­тисос­лик­нинг) ху­су­сия­ти­дан ке­либ чиқ­қан ҳол­да бо­ш­қа шакл­лар.



3-боб. Амалий аҳамиятга молик дис­сер­та­ция­нинг ил­мий на­ти­жа­ла­ри­ни ама­лиёт­га жо­рий эти­ш­нинг ху­су­сия­т­ла­ри

8 Та­лаб­гор то­мо­ни­дан иш­лаб чиқил­ган (асос­лан­ган) ёки та­ко­мил­ла­шти­рил­ган, иқ­ти­со­диёт тар­моқ­ла­ри ва иж­ти­мо­ий со­ҳа­нинг дол­зарб му­ам­мо­ла­ри­нинг ил­мий ечи­ми бў­ла ола­ди­ган на­ти­жа­лар ама­ли­й аҳамият­га мо­лик дис­сер­та­ция­нинг ил­мий на­ти­жа­си бў­ли­ши му­м­кин.

9 Ама­ли­й аҳамият­га мо­лик дис­сер­та­ция­нинг ил­мий на­ти­жа­ла­ри қуйи­да­ги шакл­лар­нинг би­ри билан ама­лиёт­га жо­рий эти­ли­ши му­м­кин:

ин­тел­лек­ту­ал мулк об­ъек­ти­га му­т­лақ ҳу­қуқ­нинг эъ­ти­роф эти­ли­ши – их­ти­ро­га ва се­лек­ция юту­ғи­га па­тент ҳам­да фал­са­фа док­то­ри (PhD) ил­мий да­ра­жа­си учун фой­да­ли мо­дел­га па­тент, са­ноат на­му­на­си­га па­тент олин­ган ва у бугун­ги кун­да дол­зарб бўл­ган­да;

ил­мий на­ти­жа­лар­нинг Дав­лат ре­ес­три­га киритил­ган­ли­ги;

илмий таклифдан норма ижодкорлиги фаолияти жараёнида фойдаланилиши;

илмий таклифдан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳа-сидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларида фойдаланилиши;

фан ва технологияларнинг назарий-концептуал ва услубий асосларини ривожлантиришга хизмат қилувчи илмий ишлан-манинг мавжуд бўлиши;

таълим жараёнига татбиқ этилган давлат таълим стандар-ти, дарслик ёки педагогик технологиянинг (фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун – ўқув қўлланманинг) мавжуд бў-лиши;

илмий маҳсулотнинг потенциал истеъмолчиси бўлган рес-публика давлат органи ёки хўжалик бошқаруви органининг илмий-техникавий кенгаши, бундай кенгаш бўлмаган ҳолда тегишли ташкилий тузилмаси тавсияси асосида ушбу ташки-лот (орган) томонидан эътироф этилиши;

инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Респуб-лика ярмаркасида имзоланган шартномалар;

инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Респуб-лика ярмаркаси натижасига кўра фахрий номинацияларга (“Энг яхши инновацион ишланма”, “Саноат йўналиши бўйича энг яхши инновацион ишланма”, “Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича энг яхши инновацион ишланма”, “Ахборот технология-лари йўналиши бўйича энг яхши инновацион ишланма”, “Фан ва таълим йўналиши бўйича энг яхши инновацион ишланма”, “Ёш олимларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси”) эга бўл-ганлар (фақат фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун);

муайян фанларнинг хусусиятига кўра мазкур Услубий кўр-сатмаларнинг 10–27¹-бандларида назарда тутилган бошқа шакллар.

10

Физика-математика фанлари бўйича диссертация-нинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

техник-технологик, иқтисодий, ижтимоий ва илмий-ус-лубий муаммони самарали ҳал этишда фойдаланилган ил-мий-техникавий ишланма, инновацион ғоя ва илмий (ил-мий-техникавий) ечим;

ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш юзасидан фойдаланилган илмий ечим.

11

Кимё фанлари бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

апробациядан ўтказилган ва расмийлаштирилган ишлаб чиқариш технологияси;

маҳаллийлаштириш дастурига киритилган маҳсулотни ишлаб чиқиш;

тегишли ишланмани корхонага жорий этиш.

12

Биология фанлари бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

апробациядан ўтказилган ва расмийлаштирилган янги биологик технология, механизм, услуб ва бошқа ишланма;

апробациядан ўтказилган ва расмийлаштирилган дори воситаси, вакцина ва диагностика ум ишлаб чиқаришнинг илмий ечими.

13

Геология-минералогия фанлари бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

геология, нефть-газ ва кон-металлургия соҳаларида ишлаб чиқаришга жорий этилган илмий ечим;

лойиҳа қидирув ташкилотининг ҳужжатларида фойдаланилган илмий ечим.

14

Техника фанлари бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

қурилма, асбоб, механизм, машина, дастур, методика, технология ва бошқа шаклда тажриба-синов жараёнидан ўтказиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган илмий ечим;

лойиҳа қидирув ташкилотининг ҳужжатларида фойдаланилган илмий ечим.

15

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

республика, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудуд даражасидаги давлат мақсадли дастурида фойдаланилган таклиф;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали ривожлантириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш, илғор технологияларни жорий этишда фойдаланилган илмий ечим.

16

Тарих фанлари бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

республика, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудуд даражасидаги давлат мақсадли дастурида фойдаланилган таклиф;

ваколатли давлат органининг қарори ёки муаллифлик ҳуқуқи асосида маданий мерос объектларида фойдаланилган натижа;

буюртма асосида тайёрланиб, чоп этилган йирик илмий нашр.

17

Иқтисодиёт фанлари бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

республика, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудуд даражасидаги давлат мақсадли дастурида фойдаланилган таклиф;

вазирлик ва идора томонидан тасдиқланган прогноз;

муайян ташкилот фаолиятига татбиқ этилган ишланма.

18

Фалсафа, филология ва социология фанлари бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

буюртма асосида тайёрланиб, чоп этилган йирик илмий нашр;

ваколатли давлат органининг қарори ёки муаллифлик ҳуқуқи асосида маданий мерос объектларида фойдаланилган натижа.

19

География фанлари бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

республика, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудуд даражасидаги давлат мақсадли дастурида фойдаланилган таклиф;

муайян ташкилот фаолиятига татбиқ этилган ишланма.

20

Юридик фанлар бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

республика, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудуд даражасидаги давлат мақсадли дастурида ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашда фойдаланилган таклиф;

буюртма асосида тайёрланиб, чоп этилган йирик илмий нашр.

21

Педагогика фанлари бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

ваколатли бошқарув органи қарори асосида таълим жараёнига татбиқ этилган педагогик технология;

буюртма асосида тайёрланиб, чоп этилган йирик илмий нашр.

22

Тиббиёт фанлари бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилган касаллик ташхиси, профилактика ва даволаш бўйича янги самарали ёндашув (усул) ва тренинг технология;

соғлиқни сақлаш амалиётига киритилган услубий тавсиянома;

клиникагача ва клиник синовлардан ўтказилган ҳамда расмийлаштирилган оригинал ва генерик доривор восита, вакцина ва диагностика;

апробациядан ўтказилиб, соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган касаллик ташхиси, профилактикаси ва даволаш бўйича илмий ечим.

23

Фармацевтика фанлари бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

фармацевтика корхонаси фаолиятини ҳамда дори воситаси, тиббий актлар сифат назоратининг синов усулини такомиллаштириш бўйича илмий ечим;

мавжуд дори воситасини янги технологик ва фармакологик жиҳатдан такомиллаштириш бўйича илмий ечим;

маҳаллий хомашё асосида оригинал ва генерик дори воситаси ишлаб чиқариш технологиясини яратиб, дори воситаси сифатида рўйхатдан ўтказиш.

24

Ветеринария фанлари бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

республика, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудуд даражасидаги давлат мақсадли дастурида фойдаланилган таклиф;

вазирлик ва идора томонидан тасдиқланган прогноз.

25

Санъатшунослик фанлари бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

республика, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудуд даражасида-

ги давлат мақсадли дастурида фойдаланилган таклиф;
ваколатли давлат органининг қарори ёки муаллифлик ҳуқуқи асосида маданий мерос объектларида фойдаланилган натижа;

буюртма асосида тайёрланиб, чоп этилган йирик илмий нашр.

26

Архитектура бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

республика, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудуд даражасидаги давлат мақсадли дастурида фойдаланилган таклиф;

ваколатли давлат органининг қарори ёки муаллифлик ҳуқуқи асосида архитектура, қурилиш ва маданий мерос объектларида фойдаланилган натижа;

буюртма асосида тайёрланиб, чоп этилган йирик илмий нашр.

27

Психология фанлари бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

ваколатли давлат органининг қарори асосида таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилган психологик тренинг дастури ҳамда шахснинг психологик-физиологик хусусиятларини аниқлаштириш ва тузатишлар киритишга қаратилган ишланма;

буюртма асосида тайёрланиб, чоп этилган йирик илмий нашр.

27¹

Сиёсий фанлар бўйича диссертациянинг илмий натижаси қуйидаги шаклларнинг бири билан амалиётга жорий этилган бўлиши мумкин:

республика, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудуд даражасидаги давлат мақсадли дастурида ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган таклиф;

вазирлик ва идора томонидан тасдиқланган прогноз ва бошқа ҳужжатлар;

муайян ташкилот фаолиятига татбиқ этилган ишланма;

буюртма асосида тайёрланиб, чоп этилган йирик илмий нашр.

28

Дарслик барча фан тармоқларида илмий натижани амалиётга жорий этиш шакли сифатида қабул қилинади. Талабгор томонидан эълон қилинган, бироқ амалиётга киритилмаган ишланмалар, шу жумладан фан док-

тори (DSc) диссертацияси асосидаги монографиялар илмий натижани амалиётга жорий этиш шакли сифатида қабул қилинмайди.



4-боб. Диссертациянинг илмий натижаларини амалиётга жорий этишни расмийлаштириш

29

Диссертациянинг илмий натижалари амалиётга жорий этилганлиги ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим.

30

Диссертациянинг илмий натижалари амалиётга жорий этилганлигини бевосита тасдиқловчи ҳужжатлар (патент, дарслик, буюртма асосида тайёрланиб, чоп этилган йирик илмий нашр ва ҳ.к.) бўлмаган тақдирда, илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги соҳа хусусиятини эътиборга олган ҳолда расмийлаштирилган бошқа ҳужжатлар (далолатнома, мукаммал хулоса, таҳлилий маълумотнома, республика давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари томонидан тегишли таклиф ижобий баҳоланганлиги ва норма ижодкорлиги фаолияти жараёнида ёки техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилишини назарда тутувчи ҳужжат ва ҳ.к.) билан тасдиқланиши лозим. Мазкур ҳужжатлар илмий натижалар амалиётга жорий этилган ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган, зарур ҳолларда мазкур масалада тегишли республика давлат органи ёки хўжалик бошқаруви органининг фикри олинган бўлиши зарур.

31

Диссертациянинг илмий натижалари амалиётга жорий этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар аниқ, асосли ва амалиётга жорий этилганлиги ҳақидаги тегишли маълумотлар тўлиқ келтирилган ҳолда расмийлаштирилиши керак.

32

Диссертациянинг илмий натижалари амалиётга жорий этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талабгорнинг аттестация ишига киритилади.

33

Назарий аҳамиятга молик диссертациянинг илмий натижаси иш бажарилган ташкилот ва илмий маҳсулотнинг потенциал истеъмолчиси бўлган манфаатдор ташкилотнинг илмий натижани эътироф этиш ҳақидаги қўшма қарори ёки республика илмий семинари қарори билан

эътироф этилганда, улар ушбу қарорнинг асослилиги учун жавобгар бўлади.

34

Диссертациянинг илмий натижалари амалиётга жорий этилганлиги бўйича йиллик таҳлилий маълумотнома “ОАК Бюллетени” журналида чоп этиб борилади.



5-боб. Яқуний қоида

35

Мазкур Услубий кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологиялар агентлиги билан келишилган.